O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 25 август, № 166 (5081) Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:

**Зияев Юсуп Мингкабилович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти

**Ғопиров Камолидин** — Шаҳрихон туманидаги 53-мактаб интернати директори, Андижон вилояти

**Эргашева Патила** — Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 24 август


Зияев Юсуп Мингкабилович


Ғопиров Камолидин


Эргашева Патила

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:*

### «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

**Муҳаммаджонов Рихсибой** — Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси аъзоси, кинодраматург

**Расулов Алишер Турсунбоевич** — Республика эстрада-цирк коллежи ўқитувчиси, композитор

### «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

**Адашев Ражаб Ҳалимович** — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

**Назарбеков Озодбек Аҳмадович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

### «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

**Каллиев Тенелбай Генжебаевич** — Нукус маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси, бахши

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Санаев Зиёдулла Файзиевич** — Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактаби директори

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

**Алимов Самандар Чориевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Абдуллаева Меҳрижон Кабировна** — Наманган вилоят мусиқали драма театри вокал артисти

**Аҳмедова Лола Бахтиёровна** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Зиёев Абдунаби Кўчқорович** — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли созандаси

**Раҳматов Меҳриддин Тожиддинович** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

**Узоқова Шоҳида Норматовна** — Ўзбек давлат драма театри актёри

**Умарова Фаридахон Жўраевна** — Республика ёш томошабинлар театри актёри

**Усмонов Рамиз Бекназарович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Ҳамроева Нодира Михайловна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

**Кўзиев Тоир Асқарович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Сато» гуруҳи бадиий раҳбари

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Ортиқов Ғайрат Азизович** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом

**Омирзакова Кирмизи Жумамуратовна** — Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай туманидаги 2-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фани ўқитувчиси

**Убайдуллаев Мирза-Улуғбек Абдуллаевич** — Андижон олимпия захиралари спорт коллежи директорининг спорт ишлари бўйича ўринбосари

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

**Бузруков Аҳмаджон Аъзамхонович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион эшиттиришлар муҳарририяти бўлим мудири

**Мамадиев Равшан Абдуманнобович** — «Наманган ҳақиқати» газетаси катта мухбири

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

**Атабоев Давронбек Жуманазарович** — Хоразм вилоят қўғирчоқ театри раҳбари

**Ботиров Зубайдулла Ворисович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош рассоми

**Бомуродов Бобур Ҳодиевич (Бобур Бобомурод)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Воҳидов Шуҳрат Хуршидович** — Ўзбекистон темир йўллари маданият саройи бадиий раҳбари, хонанда

**Мамажонов Анвар Алимжонович** — Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси, график рассом

**Мамадиев Абдинаби** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими аъзоси, рангтасвирчи рассом

**Мўминова Шаҳнозхон** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, чиннисоз-рассом

**Раҳматов Султонали Аҳмаджонович** — Эркин ижодкор, бастакор

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг 19 йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига самимий қутловлар ва энг эзгу тилакларни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мустақиллик қўлга киритилганидан кейин ўтган 19 йил давомида Сиз, Жаноби Олийларининг раҳнамолигингизда Ўзбекистон ҳукумати ва халқи давлат мустақиллиги, унинг суверенитети ва хавфсизлигини таъминлаб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларидан самарали фойдаланиб, хорижий давлатлар билан алоқаларни муттасил кенгайтириб, давлат қуриш ва мамлакатни равнақ топтиришдек буюк хайрли ишларда салмоқли ютуқларни қўлга киритган ҳолда, мавжуд шароит ва хусусиятларга мос ривожланиш йўлидан дадил бормоқда. Биз, Ўзбекистоннинг яқин қўшнилари, дўст ва ҳамкорлари мамлакатингиз эришаётган муваффақиятлардан чин дилдан қувонамиз.

Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кундан Хитой — Ўзбекистон муносабатлари изчил ривожланиб келмоқда. Мамлакатларимиз сиёсат соҳасида ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни қўллаб-қувватлаб, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни амалга оширмоқда. Хавфсизлик соҳасидаги ҳамжиҳатлигимиз мустаҳкамланиб, гуманитар алоқаларимиз муттасил кенгаймоқда. Мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ғоят муҳим масалаларда бир-бирини фаол қўллаб-қувватламоқда, БМТ ва ШҲТ каби халқаро ташкилотлар доирасида яқин ҳамкорлик қилмоқда, мамлакатларимизнинг муштарак манфаатларини самарали ҳимоя қилиб, минтақада ва бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Жаноби Олийлари, мамлакатингизга жорий йил июнь ойидаги давлат ташрифим асносида Сиз билан Хитой ва Ўзбекистон ўртасида сиёсий ҳамжиҳатликни ва барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашдик ҳамда қатор муҳим келишувларга эришдик. Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, шериклик ва ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтариш учун икки томон эришган келишувларни ҳаётга фаол татбиқ этиш мақсадида Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда бутун куч-ғайратимни сафарбар этишга тайёр эканимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Икки томон учун ҳам қулай вақтда Сиз, Жаноби Олийларининг Хитойга ташрифингизни кутиб қоламан.

Дўст Ўзбекистонга куч-қудрат ва тараққиёт, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз.

**Ху ЦЗИНЬТАО,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси.**

# ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий қўмитаси котиби, Марказқўм тарғибот бўлими бошлиғи Лю Юньшань раҳбарлигидаги делегация аъзолари 24 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.***

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йилда Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида барқарор ривожланмоқда. Жорий йил июнь ойида ХХР Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ушбу ташриф доирасида турли соҳаларда ҳамкорликка оид ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

— Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар чоғида икки томон учун ҳам манфаатли келишувларга эришилаётир, — деди Лю Юньшань. — Айниқса, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожини юксак қадрлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бораётгани қувонарлидир.

Шу куни Хитой делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейларида, Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуида бўлди.

**(ЎзА).**

***Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, Президентимиз раҳнамолигида эришилаётган ютуқлар, юртдошларимизнинг ўз қобилияти ва истеъдодини намоён этишлари учун яратилган имкониятлар ижодкорларимизни янгидан-янги асарлар яратишга, ўз иқтидорини тўлақонли намоён этишга илҳомлантирмоқда.***

# ИЖОД, ИНТИЛИШ, ЭЪТИРОФ

Бундай эътибор ижодкорлар ўртасида ташкил этилаётган фестиваль, кўрик-танловларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Зотан, Ватан тараққиёти, юртдошларимиз онгу шууридаги ўзгаришлар, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз тараннуми бадиий, тасвирий асарларда юқори савияда акс эттирилаяпти.

Маълумки, ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида ижодкорлар ўртасида "Энг улуғ, энг азиз" республика танловини ўтказиш анъанага айланган.

**Танлов**

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда давлатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, санъат ва маданият намояндалари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б. Алимов ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан юртимизда кечаётган туб ислоҳотлар ва унинг мамлакатимиз тараққиётидаги роли, мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида тўхталдилар. Ана шу ислоҳотлар самарасини бадиий асарларда акс эттиришда, айниқса, ушбу танловнинг аҳамияти, мақсад ва вазифалари, унинг ёшлар тарбиясидаги роли катта эканлиги алоҳида таъкидланди.

Эътироф этиш керакки, бу йилги танлов иштирокчилар ва талабгорларнинг кўплиги билан ҳам ажралиб туради. Жорий йилда икки минг нафарга яқин ижодкор саккиз мингтадан зиёд ижод намунаси билан қатнашди. Иштирокчилар орасида таниқли ижодкорлардан тортиб, оддий қаламкашларгача

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлиси олдидан

# ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

***Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисига "Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам киритилмоқда.***

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва бу борадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Ўтган даврда бир қатор давлатларнинг суд, прокуратура, тергов ҳамда суриштирув органлари билан алоқаларнинг йўлга қўйилгани шундан далолат бериб турибди. Айни чоғда Ўзбекистон бир қанча Конвенция ва халқаро ҳужжатларга қўшилган бўлиб, юртимизда уларга оғишмай амал қилиб келинаётир.

Сенатга маъқуллаш учун тақдим этилган янги Қонун ҳужжати ҳуқуқ-тартибот идораларининг халқаро алоқаларини кенгайтириш ва бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жиноят иши юзасидан халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик доирасида ягона тергов-суд амалиётини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари доирасида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадлари кўзланаётгани ҳам бу ҳужжатнинг аҳамиятидан сўзлаб турибди. Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига "Жиноятга оид суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик" деб номланган махсус бўлим киритилаётгани ҳам бежизга эмас.

Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқий мажмуага ҳозирги давр нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган бир қанча янгиликлар киритилмоқда. Масалан, унинг 64-бобида процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисида сўров юбориш тартиби, процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисидаги сўровнинг мазмуни ва шакли ҳамда Ўзбекистон Республикасига юборилган далилларнинг юридик кучи билан боғлиқ масалалар белгиланмоқда. Шу билан бирга, процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органидан келиб тушган сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш тартиби, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги гувоҳни, жабрланувчини, экспертни, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ҳамда уларнинг вакилларини чақириш, жиноят иши материалларини хорижий давлатнинг ваколатли органига юбориш масалалари тартибга солинаётир. Айни чоғда унда хорижий давлат ваколатли органининг чет давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган Ўзбекистон Республикасининг фуқаросини жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровини ижро этиш тартибини белгиловчи нормалар киритилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур.

Мазкур ҳужжатнинг 65-моддасида эса хорижий давлат ҳудудида турган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш тўғрисида сўров юбориш тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахснинг жиноий жавобгарлиги масаласи белгиланмоқда. Шунингдек, унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни ижро этиш тартиби ва яна бошқа бир қатор муҳим масалаларнинг қамраб олинаётганлиги эътиборга молик.

Хуллас, ушбу Қонун ҳаётга татбиқ этилгач, суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириши, шубҳасиз. Бу эса, ўз навбатида, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

***Собир ҲАМРОЕВ,***
***Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.***

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

***Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда***

**91** **лойиҳа бўйича коллектор-дренаж тармоқлари ва бошқа мелиорация объектлари қурилиб, реконструкция қилинди.**

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари аниқ мақсадларга йўналтирилгани соҳада ана шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.



**_Жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишларини кузата туриб, мамлакатимизни улкан қурилиш майдонига ўхшатиш мумкин. Зотан, юртимиз бўйлаб барпо этилаётган замонавий уй-жойлар, кўркам маданий-маиший иншоотлар, равон йўллар ва кенг кўприклар иқтисодий қудратимизнинг намунаси сифатида қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотмоқда, эртанги кунимизга бўлган ишончимизни мустаҳкамламоқда._**

# ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТ, ЮКСАК САЛОҲИЯТ

Бунёдкорлик ишлари ҳақида гап кетганда, хусусан, йўллар ва кўприклар қурилиши ҳақида тўхталмасдан илож йўқ. Негаки, истиқлол йилларида йўл қурилиши соҳаси сифат жиҳатдан яхшиланиб, кўприксозлик тармоғи вужудга келди ва бугун у янги босқичга кўтарилди.

Халқ хўжалигининг изчил ривожланишида, маълумки, иқтисодиётнинг "қон томири" — йўлларнинг ўрни бениҳоя катта. Айниқса, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт қатновини яхшилаш ва йўловчиларга қулайлик яратишда унинг узвий қисми ҳисобланган кўприклар алоҳида аҳамиятга эга. Буни яқин ўтмишни эсга олган киши чуқурроқ ҳис этади, назаримизда. Сабаби, тор кўчаларда автоуловларнинг тирбандлиги туфайли йўловчилар чорраҳаларда соатлаб туриб қоларди. Истиқлол йилларида бундай ҳолатларга барҳам берилди. Таъбир жоиз бўлса, йўлларимиз бўйига ҳам, энига ҳам кенгайиб, ҳайдовчи ва йўловчилар учун бирдек қулай шароит яратилди. Тошкент шаҳрида қурилган ўнлаб кўприклар бунга яққол мисол бўла олади. Жумладан, пойтахтимизнинг Чилонзор, Юнусобод, Сергели ва бошқа туманларида қурилган кўприклар ўзининг меъморий ечими, транспортлар оқими учун мақбул шароит яратганлиги, қулайлиги ҳамда чиройлилиги билан шаҳримиз кўркига алоҳида жозиба бағишламоқда.





Бунёдкорлик

Пойтахтимиз ифтихорига айланиб бораётган муаззам кўприк ва йўл ўтказгичларнинг қурилишида "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКга қарашли 13-кўприксозлик отрядининг муносиб ҳиссаси бор. Кўприксозлик соҳасида катта тажриба орттирган мазкур корхона жамоаси нафақат Тошкент шаҳрида, балки юртимизнинг бошқа минтақаларидаги йирик иншоотларни бунёд этишда ҳам фаол қатнашмоқда. Уларнинг фидокорона меҳнати эвазига қурилган ана шу иншоотлар эса ўзининг мукаммал муҳандислик ечимлари билан барчанинг ҳавасини келтираяпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Қурилиш объектининг белгиланган муддатда, сифатли бажарилиши бевосита корхонанинг моддий-техник базасига боғлиқ. Шу маънода, 13-кўприксозлик отряди замонавий техника ва ускуналар билан тўлиқ таъминлангани қурилишда кенг қўлланиладиган махсус қурилмалар ва турли темир-бетон материаллари тайёрлашни ўзлаштириш имконини берди. Натижада бажарилаётган ишлар кўлами йил сайин ортиб бораётир. Жорий йилнинг биринчи ярмида 11 млрд. 694,2 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилгани бунинг далилидир. Жумладан, "Гулистон — Оҳангарон" автомобиль йўлининг 105 — 116 километрларида, яъни Оҳангарон дарёси устида кўприк, Амир Темур хиёбонида ер ости йўлаклари қурилиши муваффақиятли амалга оширилди.

Ҳозирги кунда корхонанинг муҳандис-техник ходимлари Амударё устидан ўтадиган кўприк қурилишида фаолият кўрсатишмоқда. Мазкур иншоот Хоразм вилоятининг Чолиш қўрғони билан Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманини боғлайди.

Аслида, дарёлар устида кўприк қуриш ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа саналади. Корхона жамоаси бу борада ҳам етарли тажрибага эга эканлиги, соддa қилиб айтганда, "кўзи пишгани" иш жараёнида қўл келаётир. Гап шундаки, улар бундан аввал "Учқудуқ — Мискин", "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл тармоқлари, шунингдек, Хўжайли ва Тошсоқадаги дарё кўприклари қурилишида иштирок этиб, моҳир қурувчилар сифатида эътирофга сазовор бўлишган эди.

Айни пайтда Амударё ўзани устида қурилаётган улкан кўприкнинг бутун масъулияти ушбу корхона жамоаси зиммасига юкланган. Қурилиш бош пудратчиси республика кўприксозлик трестининг 13-кўприк қурилиши бошқармасидир.

Ушбу кўприкнинг фойдаланишга топширилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун қулайлик яратиш баробарида, кўплаб муаммоларнинг ечим топишига ҳам хизмат қилади. Сабаби, бугунга қадар дарё устида қалқиб турувчи фанон-кўприк мавжуд бўлиб, ундан оғир юк ортилган транспорт воситаларининг ўтиши ниҳоятда машаққатли эди. Айниқса, дарёда сув кўпайган маҳаллари ёки қиш мавсумида бу омонат кўприкдан, ҳатто, енгил машиналар ҳам ўтолмас, оқибатда ўттиз чақиримлик манзилга бориш учун айланма йўл орқали салкам 130 километрлик масофани босиб ўтишга тўғри келарди. Пировардида харажат ортиб, қимматли вақт йўқотиларди. Янги кўприк тўлиқ фойдаланишга топширилгач эса, бундай оворагарчиликларга барҳам берилиб, ҳар иккала ҳududнинг иқтисодиёти изчил ривожланиши таъминланади.

— Бунёд этилаётган янги иншоот мамлакатимиздаги энг улкан кўприклардан бири ҳисобланади, — дейди корхона раҳбари А. Юсупов. — Ҳозиргача бу ерда 130 минг куб метрдан зиёд тупроқ, зичлаш, шиббалаш ишлари бажарилди. Йўлсозлар ва кўприксозларнинг ҳамжиҳатликдаги меҳнатлари ҳисобига иншоот қурилиши тобора жадаллашиб, кўзга яққолроқ ташланмоқда.

Амударёнинг ўнг ва сўл соҳилларини туташтирувчи кўприк лойиҳасида унинг остидан дарё транспортлари ҳам бемалол ўта олиши кўзда тутилган. Ана шундай йирик иншоотни барпо этишга энг замонавий техникалар жалб этилганининг боиси шунда. Масалан, Германиядан келтирилган устунларни қоқишда қўлланиладиган дизель-болға ускунаси кўприкнинг темир-бетон пойдеворини мустаҳкам ўрнатиш имконини бермоқда. Бошқа техникалар кучидан ҳам унумли фойдаланилаётгани туфайли ойига ўртача 1,2 - 2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаётир. Бу иншоотнинг яқин вақт ичида ишга туширилишидан далолат беради, албатта. Корхона жамоасининг нияти ҳам шу: минглаб одамларнинг узоғини яқин қиладиган, юртнинг янада обод бўлишини таъминлайдиган ушбу йирик иншоотни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш. Зеро, Истиқлол одамлар онгу тафаккурида ўзгариш ясаб, эл-юрт фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилишга даъват этмоқда.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.** t

Яхши хабар

## Аҳолига ичимлик суви

**ҚАШҚАДАРЁ.** Вилоят ҳокимлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги "Ҳудудларни комплекс ривожлантириш" лойиҳаси доирасида Нишон туманидаги Олмазор қишлоғига 2,2 километр узунликдаги сув қувурлари тортилиб, аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи таъминланди. Бу Мустақиллик шодиёнаси арафасида қишлоқ аҳли учун муносиб байрам туҳфаси бўлди.

Ушбу мақсадлар учун 27,3 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

**Ф. БОЗОРОВ.**












# ВАТАННИ УЛУҒЛАШ — ОЛИЙ САОДАТ




***Мана, бугун энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 19 йиллик тўйига пешвоз чиқиб турибмиз. Ана шу шукуҳли дамларда юртдошларимиз қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим. Ахир Истиқлол — бебаҳо неъмат. Бу нурли манзилга, бу дориламон кунларга орзуманд бўлганлар қанча?! Гарчи босиб ўтилган ўн тўққиз йил нисбатан қисқа муддат саналса-да, бу даврда эришилган муваффақиятлар асрларга татигуликдир. Мамлакатимиздаги беқиёс ўзгаришлар, ҳар соҳада амалга оширилган янгиланишлар, улкан бунёдкорлик ишлари — буларнинг барчаси биргина эзгу ва устувор мақсад — инсон манфаатлари, эл-юртимиз фаровонлигига қаратилган.***

Тинч ва осойишта юртга байрамлар ярашади, дейди халқимиз. Ҳақ гап. Биргина Мустақиллигимиз шодиёналарини кузатайлик. Бу кунда Истиқлолимиз, осойишта ҳаётимиз, миллий қадриятларимиз яна бир бор улуғланади. Байрам баҳона юртимизнинг барча гўшалари, хонадонларимиз файзга тўлади, чирой очади. Бунёдкорлик, яратувчанлик борасидаги ишлари билан бу қутлуғ тўйга тўёна ҳозирлаганлар қанча?!

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги шодиёналари мамлакатимиз бўйлаб "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" шиори остида ўтказилмоқда. Жумладан, Юртбошимизнинг байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан имзолаган қарорида таъкидланганидек, "Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодимиз қалбида она-юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда".

Ана шундан келиб чиқиб, шу кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида, олис қишлоқ ва овулларда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтириш, тинч ва осойишта кунимиздан шукроналик ҳиссини кучайтиришдан иборат.

Албатта, бундай учрашувлар юртдошларимиз кайфиятига кайфият, ғайратига ғайрат қўшаётир. Тарғибот ва ташвиқот ишларида, хусусан, мен фаолият юритаётган "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг бир гуруҳ санъаткорлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ижодкорлари, Республика Маънавият тарғибот маркази масъул ходимлари, олимлар, шоирлар, адабиётшунослар, театр санъаткорлари иштирок этаётгани бундай тадбирларнинг, айтиш мумкинки, янада жонли, самимий ва таассуротларга бой ўтишини таъминлаяпти.

Яқинда Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги Уйшин қишлоғида ана шундай тадбир ташкил этилди. Унда шоирлар, эстрада хонандалари иштирок этишди. Тадбирда таъкидланганидек, чекка қишлоқларда ўтказиладиган бундай ижодий учрашувлар юртдошларимизга ўзгача бир кўтаринки кайфият бахш этади. Негаки, ўзбек халқи азалдан санъат, адабиёт шайдоси. Санъат, шеърият инсонларни эзгулик сари илҳомлантиради, хайрли мақсадларга даъват этади.

Учрашувда Ватанни улуғловчи, инсонларни меҳр-муҳаббатга чорловчи, севги ва муҳаббатни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради.

Шундай учрашувлар Тошкент туманида ҳам бўлиб, унда халқимизнинг севимли санъаткорлари — Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов, шоира Умида Абдуазимова ва ёш хонандалар Диёр Маҳкамов ҳамда Соҳибжон Тўхтабоев ўзларининг куй-қўшиқлари, шеърлари билан йиғилганлар кўнглини хушнуд этишди. Айниқса, Муножот Йўлчиева ижросидаги мумтоз қўшиқлар инсон кўнглига ажиб завқ олиб кирган бўлса, Тошпўлат Маткаримовнинг Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлари барчага хушкайфият бағишлади.

Қувонарлиси, айни кунда бундай учрашувлар мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар, туман, ҳар бир қишлоғу маҳалласида бўлиб ўтаяпти. Бундай дилкаш суҳбатлар, самимий мулоқотлардан кўнгиллар равшан тортмоқда. Кишилар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат туйғулари янада мустаҳкамланаётир. Ота-боболаримиздан мерос миллий қадриятларимиз эъзоз топаяпти. Зотан, юқорида шоир айтганидек, шу бир сиқим тупроқ, шу она-замин қанчалар мўътабар ва қадрли бўлса, унда яшаётган ҳар бир инсон биз учун шу қадар азиз ва мукаррам бўлиб қолаверади.

**Матлуба МАҲКАМОВА.**

# КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ — ДАВР ТАЛАБИ

***Кейинги пайтларда кундалик ҳаётимиздан "электрон почта", "электрон жамият", "электрон ҳукумат" каби сўзлар мунтазам ўрин олмоқда. Бу эса барчамиздан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада яхши билиш, уни чуқур ўрганишни талаб этиши, шубҳасиз.***



Зеро, республикамиз бўйлаб аҳолини замонавий ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари билан таништириш ҳамда ундан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича ташкил этилган ўқув-семинар курсларида ҳам ана шу масалалар ўрганилган эди.

Кеча Ўзбекистон алоқа тарихи музейида мазкур лойиҳа якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурига мувофиқ, мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. "Компьютер саводхонлиги" номи остида ташкил этилган лойиҳани ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам шу, аслида. Лойиҳа Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази кўмагида Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан амалга оширилди.

**Анжуман**

"Компьютер саводхонлиги" лойиҳаси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 12 — 70 ёшдаги фуқаролар ўқитилди. Уларга компьютер, интернет ҳақида дастлабки назарий ва амалий маълумотлар берилди. Тўрт ҳафта давомида турли ташкилот ва идоралар вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ўқув муассасалари ходимлари, талаба ва ўқувчилар, жами 15 мингдан зиёд аҳоли компьютер ҳамда интернетдан фойдаланиш бўйича батафсил тушунчага эга бўлди. Ўқув-семинар курсларида тингловчиларга мустақил равишда ўрганишга мўлжалланган "Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш" мавзуида ўқув қўлланма ва дисклар тарқатилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ҳурматли юртдошлар!*

ASAKA BANK

## «АСАКА» банки (ОАЖ)

**сизларни Ўзбекистон Республикасининг яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни билан табриклайди ва қуйидаги янги, муддатли омонат турларини таклиф этади.**

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ**
**«ТУҲФА»**
**Сақланиш муддати — 1 ой, омонат бўйича йиллик 25% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра, омонат қўйилганда ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.**

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ**
**«ПРЕСТИЖ» — АҚШ долларида**
**Сақланиш муддати — 1 ой, омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра, омонат қўйилганда ёки ёпилгандан сўнг берилади.**

**«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 229-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 234-17-96 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 223-72-47 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

*Хизматлар лицензияланган.*

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

748R/7

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2010 ЙИЛ 7 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) мавжудлиги тўғрисида ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 4 августдаги 151-Б-сонли буйруғи.*

***2010 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 858-3 (2010 йил 16 августдан кучга киради).***

2. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини ҳамда кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш Тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 24 июлдаги 25/1-сонли қарори.*

***2010 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 907-4 (2010 йил 16 августдан кучга киради).***

3. «Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлигининг 2010 йил 11 майдаги 7, 42-сонли қарори.*

***2010 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2130 (2010 йил 16 августдан кучга киради).***

4. «Иккиламчи бозорда эркин конвертация қилинадиган валютада амалга ошириладиган қимматли қоғозлар билан битишувларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2010 йил 20 июлдаги 2010-14, 63, 18/2-сонли қарори.*

***2010 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1658-1 (2010 йил 21 августдан кучга киради).***

5. «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 19 июлдаги ЭГ-01/10-4014, 60, 01-02/8-10-сонли қарори.*

***2010 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2131 (2010 йил 23 августдан кучга киради).***

6. «Нефть ва газ ишлаб чиқаришларида махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 20 июлдаги 138-Б-сонли буйруғи.*

***2010 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2132 (2010 йил 23 августдан кучга киради).***

7. «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан якка тартибда уй-жой қуриш доирасида улар томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳажмлари бўйича пудрат ташкилотлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 20 июлдаги 2010-28, 54, 01-02/8-13-сонли қарори.*

***2010 йил 16 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2133 (2010 йил 26 августдан кучга киради).***

8. «Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 17 августдаги 64, 2010-34-сонли қарори.*

***2010 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2134 (2010 йил 28 августдан кучга киради).***

9. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 18 августдаги 175-мҳ-сонли буйруғи.*

***2010 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 298-1 (2010 йил 28 августдан кучга киради).***

10. «Ойна ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 22 июлдаги 140-Б-сонли буйруғи.*

***2010 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2135 (2010 йил 29 августдан кучга киради).***

11. «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 4 августдаги 150-Б-сонли буйруғи.*

***2010 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 588-3 (2010 йил 29 августдан кучга киради).***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш қоидалари, 1-сон қўшимча. *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 787, 1999 йил 30 июль) (рўйхат рақами 787-1, 2000 йил 17 январь).*

***Адлия вазирининг 2010 йил 13 августдаги 169-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисида низом, 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 945, 2000 йил 13 июль) (рўйхат рақами 945-1, 2005 йил 1 июнь).*

***Адлия вазирининг 2010 йил 13 августдаги 169-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

3. Маиший абонентлар билан электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 298, 1997 йил 16 январь).*

***Адлия вазирининг 2010 йил 18 августдаги 175-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

# БОКСЧИЛАРИМИЗ — ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ СОВРИНДОРИ




***Сингапурда ўсмирлар ўртасида давом этаётган I Олимпиада ўйинларининг навбатдаги куни боксчиларимиз Зоҳиджон Ҳурбоев (48 кг.) ва Сардорбек Бегалиев (81 кг.) бронза медалини қўлга киритди.***

**Хушхабар**

Ҳамюртимиз ушбу босқичда сингапурлик Ҳамид Моҳдни 7:0 ҳисобида мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди. Таъкидлаш жоизки, Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси бугунгача бир қатор халқаро турнирларда зафар қучган. У келажакда катталар ўртасидаги Олимпиада ўйинларида иштирок этишни мақсад қилиб қўйган.

Наманган вилоятида туғилган Сардорбек Бегалиев эса учинчи ўрин учун беллашувларда эквадорлик Переа Италони 5:2 ҳисобида енгди. Бугун бокс бўйича қатнашаётган яна бир вакилимиз Аҳмад Мамажонов финал баҳсида рингга чиқади.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирча Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳисобида еттита (2 та кумуш, 5 та бронза) медаль бор.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

# Бухорода қовун сайли

***Бухоро шаҳрида Мустақиллик байрами олдидан анъанавий қовун сайли бўлиб ўтди.***

Сайилда 183 та фермер хўжалиги ҳамда ўндан зиёд деҳқон хўжаликлари 1100 тоннадан зиёд ширин-шакар қовунлари билан иштирок этди.

Полизчиликни ривожлантириш, қовуннинг камайиб бораётган маҳаллий навларини кўпайтириш, бу борада ўзаро тажриба алмашиш нуқтаи назаридан фойдали бўлган тадбирда анъанага мувофиқ, энг яхши деҳқонлар ҳамда сайилда фаол қатнашган туманлар номи аниқланиб, қимматбаҳо совғалар топширилди. Чунончи, умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Ғиждувон тумани деҳқонларига насиб этди. Шофиркон туманидаги "Азим Шофиркон Юлдузи" ҳамда Жондор туманидаги "Элмурод, Дўстмурод, Шаҳриёр" фермер хўжаликлари эса қовунчилик бўйича энг яхши жамоалар, деб топилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

HYUNDAI

**«HYUNDAI MOTOR COMPANY»нинг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори «DONGNAM UZ MOTORS CO., LTD» мамлакат минтақаларида дилерлик тармоқларини ривожлантириш мақсадида барча қизиқиш билдирган шахслар ва ташкилотларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.**

**Ҳамкорлик қилиш соҳаси** «HYUNDAI» русумли янги енгил автомобилларни сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича дилерлик келишувини тузиш.

**Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:**

- камида 150 м² бўлган ўз сервис-маркази ва автосалонига эга бўлиш;
- корхонани ривожлантириш бўйича ўз бизнес-режасини тақдим этиши лозим.

Барча саволлар бўйича Тошкентдаги қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(+99871) 250-11-11, (+99890) 185-63-30, (+99898) 301-31-70.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

657R/824

*СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ*

**ИП ООО «PAKHTAKABEL ZAVODI»**




**кабельно-проводниковую продукцию**

- **Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ**
- **Самонесущие провода СИП-2А**
- **Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АППБН, АПУН**
- **Провода установочные АПВ, АППВ**
- **Провода неизолированные из алюминия марки А**
- **Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС**

**Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 16 мм² до 600 мм².**

E-mail: pakhtakabel@mail.ru

Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.
Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51.
Телефоны: (+998 97) 485-65-23, (+998 98) 304-00-94.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмитанинг масъул ходими Шуҳрат Раҳмедовга падари бузруквори **ИСАХЎЖА** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41775 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тогаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t]-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 23.50 1 2 4 5